

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

Y14421568583


1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Xo'jalik munosabatlari - "MEGA ELIT UY JOY" MCHJ 6-sonli DMTT joriy ta'mirlash

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: OLMALIQ SHAHAR MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 17.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Olmaliq shahar
yuridik markaz
bosh yuristkonsulti:



K.F.NODIROVA

21.11.2022

Объектларни фойдаланишга топширишга доир
Пудрат шартномаси №1

2022 йил 16. Ноябрь

Олмалик шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги хузуридаги «Олмалик шаҳар Мақтабгача таълим бўлими» номидан Низом асосида иш юритувчи бош мудир Тургунбоев Х бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Кучкоров Ф «Mega Elit Uy Joy» МЧЖ иккинчи томондан Олмалик 100 ўринли 6-сонли мактабгача таълим ташкилотини биносининг жорий тамирлаш ишларни белгиланган меъёрий ҳужжатларига асосан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар.

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

«Шартнома»: Келгуси ўринларда шартнома деб юритиладиган: Буюртмачи ва Пудратчи имзо чекадиган барча қафолатлар, иловалар, қурилиш жараёнида томонлар имзо чекишлари мумкин бўлган қўшимчалар ва ўзгартиришлар аке эттирилган ҳужжат.

«Вақтинчалик иншоотлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва қурилишни бошлаш ҳамда якунлаш учун зарур бўлган ҳамма турдаги вақтинчалик иншоот ва бинолар.

«Қурилиш майдони»: Мазкур шартнома доирасида Буюртмачи томонидан далолатнома асосида Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ўраш ёки бош режага асосан ўрнатиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

«Ишлар»: Пудратчи томонидан мазкур шартнома шартларига мувофик бажарилиши лозим бўлган ишлар. Қурилиш, монтаж ва созлаш, ишга тушириш, камчиликларни бартараф этишлар шунга кириди.

«Яширин ишлар»: кейинги ишлар ва конструкциялар билан яшириб кетиладиган ишлар. Бу ишларнинг сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажариб бўлингандан кейин аниқлаб бўлмайди.

«Ижро ҳужжатлари»: объект қурилиши учун ишчи чизмалари комплекти, бажарилган асли ишларнинг шу чизмаларга мувофик келиши ёки ишлар бажарилиши учун маъсул бўлган шахс томонидан уларга киритилган ўзгартишлар ҳақидаги ёзувлар; ишларни бажаришда қўлланиладиган материаллар. Конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи сертификатлар, техник паспортлар ва бошқа ҳужжатлар; яширин ишлар гувоҳлиги ҳақида ҳамда алоҳида маъсулиятли конструкцияларни оралиқда қабул қилиш ҳақидаги далолатномалар; монтаж қилинган жиҳозларнинг яқка тартибда синаб қурилгани ҳақидаги гувоҳномалари; иш юритиш журналлари ҳамда қурилиш меъёри ва қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

«Маъқуллаш»: Буюртмачи ва Пудратчи томонидан ёзма равишдаги тасдиқлаш.

Шартнома нархини бўлиш: Шартнома бўйича объектни умумий қийматини этапларга бўлиш ҳар бир босқичнинг қийматини аниқ белгилан.

2. Шартнома мазмуни

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра Олмалик шаҳри 100 ўринли 6-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий тамирлаш бажарилган ишларни белгиланган меъёрий ҳужжатларига асосан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

ва лойихада кўзда тутилган тартибда фойдаланишга топшириш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб, ишларни қабул қилиш ва маблағ билан таъминловчи молиялаштирувчи орган томонидан молиялаштирилгач, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. Шартнома бўйича ишларнинг қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланиб, тендер комиссиясининг 2022 йил № 173018 сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқ ва тўловлар билан ҚҚСни инобатга олган ҳолда) 255 640 000,00 (икки юз эллик беш миллион олтиюз кирк минг сўм 00) сўм 00 тийинни ташкил этади.

3.2. Қурилиш нархи ва муддати мазкур шартноманинг 3.1-бандига ва 6.1-бандига асосан узиқ-кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, қуйидаги ҳолатлардан ташқари:

- қурилиш қиймати ва қупайтирилган енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объект қурилиши муддати 1 (бир) йилдан орттиқка ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан орттиқ бўлганда иншоот қиймати иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштирувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгартиришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 2-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун, шартноманинг 3-булимида кўзда тутилган нарх ҳисобида:

4.2. Қурилиш майдониغا иловага асосан бажарилиши лозим бўлган қурилиш ишларига зарур бўлган қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш уларни қабул қилиш, тушириш, омборда сақлаш;

4.3. Ўз кучлари ва воситалари билан қурилиш майдони ҳудудида материалларни сақлаш ва мазкур шартнома бўйича ишларни адо этиш учун зарур бўлган барча муваккат иншоотларни барпо этиш;

4.4. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши шартнома мазмуни, субпудратчининг номи, манзили тўғрисида хабардор қилиш;

4.5. Субпудратчилари томонидан мазкур шартнома бўйича тегишли ишларнинг бажарилиши учун буюртмачи олдида жавобгардир.

4.6. Ишларни бажариш чоғида техника хавфсизлигини таъминлайди, атроф муҳитни, кукаламзорлар ва ерларни муҳофаза этиш бўйича қурилиш майдонида зарур бўлган тадбирлар бажарилишини таъминлайди, ҳамда ёриткичлар ўрнатади.

4.7. Шартнома тузилгандан сўнг қурилиш тавakkалчилиги суғуртасини амалга оширади ва 10 кун ичида Буюртмачига суғурта полиси нуسخасини тақдим қилади.

4.8. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш ҳақидаги далолатномага имзо чекилгандан кейин бир ой муддат ичида ўзига тегишли бўлган қурилиш машиналари ва жихозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналари, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини қурилиш майдони таъқарисига чиқаради, қурилган муваккат бино ва иншоотларни бузиб, ташиб олиб кетади.

4.9. Қурилиш майдонининг қўриқланишини амалга оширади. Қурилиш майдониغا етказиб берилган, иншоотга тегишли бўлган қурилиш материаллари, ускуналарни, яроқли ҳолатда сақланишини, қўриқланишини тўлиқ, ўз ҳисобидан ва имкониятдан чиқиб таъминлайди. Хар бир йуқолган, енган, яроқсиз ҳолатга келиб қолган махсулотлар учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

4.10. Мазкур шартномада барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.11. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.12. Қурилиш жараёнида жалб қилинган барча ишчи-ҳодимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техника хавфсизлигини таъминлайди.

4.13. Объектга олий маълумотли курувчи муҳандис, мазкур объектлар бўйича салоҳияти бера бош уста (прораб) буйруғи, дипломи бўлиши шарт.

4.14. Хар ойнинг 20-санасидан ойнинг охири 30 (31)-санасигача бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-фактура маълумотномасини (форма-3 шакл) топшириши шарт.

5. Буюртмачининг мажбуриятлари.

Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

5.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома асосида Пудратчига бериш;

5.2. Барча лойиха ҳужжатларни экспертиза кўригидан ўтказиб пудратчига тақдим қилиш;

5.3. Ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бонка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.4. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.5. Молиялаштириш — жадвалига биноан Пудратчига шартноманинг 2-илоvasига мувофиқ маблағ билан таъминловчи орган асосан бюджетдан ажратмалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари) томонидан маблағ ажратилгандан сўнг аванс ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.6. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

6. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

- Кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Мазкур шартнома бўйича, ишларни олиб бориш, «Календар жадвали»га мувофиқ, бошланиши, якунланиши ва олиб борилиши керак. (1-Илова).

6.3. Қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати пудратчига биринчи аване тўлови амалга оширилган кундан бошлаб, танлов савдоси (тендер) натижасига асосан тендер комиссиясининг қарорига кўра 20 кунда тўлиқ якунланиши белгиланди.

6.4. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига ва қурилиш монтаж ишлари режасига мувофиқ қурилиш тиклаш ишларни бажаришга киришади.

6.5. Шартноманинг амал қилиш муддати томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар этиб белгиланди.

7. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. «Буюртмачи» шартнома тузилган ишшоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловни: амалдаги норматив-ҳужжатларга асосан «Маблағ билан таъминловчи орган» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширгандан сўнг, Молия органи томонидан тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштиришни Вилоят газначилик бошқармаси орқали амалга оширади. «Маблағ билан таъминловчи орган» томонидан ишшоот учун маблағ ажратилмаган тақдирда «Буюртмачи» ишшоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловларни шартномада белгиланган муддатларда амалга ошириш мажбуриятини олмайди ва Тошкент туманлараро иқтисодий суд олдида молиялаштирилмаган маблағ учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Буюртмачи Пудратчига тузилган шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизини молиялаштирувчи орган томонидан молиялаштирилган аване ўтказди, бу жамаи 76 692 000 (сегмни олти миллион олти юз тўқсон икки миң) сўм 0 тийинни ташкил этади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизгача доирасида молиялаштирувчи орган томонидан молиялаштирилган амалга оширилади.

7.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўлалишига этирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣй ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

7.5. Молия органи томонидан (5 фоиз)лик 15 338 400 сўм маблағ кафолат муддати тугалгандан сўнг тўлиқ молиялаштириб берилмаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида жавобгар ҳисобланмайди.

7.6. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга топширилгунга қадар унга эгаллик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топшириладиган вақтга қадар, ногаҳон йўқотилиши ва шикастланиши таваккали Пудратчининг зиммасида бўлади, бартараф этишнинг иложи бўлмайдиган ҳолатлар бундан мустасно.

7.7. Томонлар мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб **йигирма кун** мобайнида бажармаган тақдирда, исқала томон бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномани бекор қилиш Ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар учун тўланган тўловни «Буюртмачи»га тўландан озод қилинмайди.

8. Ишларни олиб бориш.

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонига ўз вакили – техник аудиторни тайинлайди. У Буюртмачи томонидан ишларни ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, бажарилган ишлар далолатномасини раъийлаштиради шунингдек, Пудратчи фойдаланаётган материал ва асбоб-ускуналарни шартнома ва лойиҳа ҳужжатлари шартларига мувофиқлигини текшириб боради. Техник назоратчи аудитор, қурилиш ишлари олиб борилаётган ишшоотда ҳар чорак якуни билан ҳеч бир

тўсиксиз мустақил бажарилган ишлар ҳажмини умумий назорат ўлчовидан ўтказиши. Техник назорат ўтказиш ўлчовларини бажарилиш юзасидан маъсул ва жавобгар шахс ҳисобланади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди.

8.4. Техник аудитор Пудратчи томонидан қурилиш майдонида бажариладиган ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг 6-булимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш ҳақидаги далолатнома билан бирга ортмица тупроқ ва қурилиш чиқиндиларини тўқиш учун ва етишмайдиган тупроқ қазишга карьер учун жой ажратиш ҳақида ҳужжатларни Пудратчига топширади.

8.9. Буюртмачи қурилиш майдонини Пудратчига топшириш ҳақидаги далолатномага имзо чекилган санадан эътиборан 3 кун муддат ичида қурилиш майдонини белгилаш ва объектларни боғлаш бўйича ишларни бажариш учун геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини Пудратчига тақдим этади.

8.10. Пудратчи ишларни бажариш жадвалига асосан қурилиш учун геодезия ўлчаш асосини яратиб беради. Геодезия ўлчаш асосининг таркиби ва ҳажми қурилиш бўйича меъёрий ҳужжатларга мувофиқ келиши керак. У объектни бошланғич нукталарга, чизикларга ва даражаларга нисбатан тўғрилиги ва лозим даражадалиги учун, баландлик ўлчамлари, сатхлари жойлашуви ва тўғрилиги ва режа уқларини ва мувофиқлиги учун жавобгардир. Агар иш бажариш жараёнида олиб борилган ўлчов ва геодезия ишларида хатолик аниқланса Пудратчи ўз ҳисобидан унга тегишли тузатиш киритади. Пудратчи жойлашув жадвалини, жойлашув каталогларини ва геодезия ўлчаш ишларини ўлчаш чоғида ўрнатилган геодезия белгилари баландлигини қурилиш даврида ўзида сақлайди ва қурилиш тугатгандан сўнг уларни далолатнома бўйича Буюртмачига топширади.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даври учун қурилган муваққат коммуникация боғламалари ва янги қурилган коммуникацияларни нукталарга улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи қурилиш учун қўлайдиган қурилиш материалларини, жиҳозларни ва бўлиқни буёмларни конструкция ва тизимлар сифатининг лойиха ҳужжатида кўрсатилган хусусиятларга, давлат андозасига, техник шартларга мос келишини ва техник паспортга, сертификатга ёки уларнинг сифатига гувоҳлик берувчи бошқа ҳужжатларга эга бўлишни кафолатлайди.

8.13. Пудратчи алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва яширин ишларни уларнинг тайёрлигига қараб, қабул бошланишидан икки кун олдин Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

Қабул қилинадиган конструкция ва ишларнинг тайёрлиги, маъсулиятли конструкцияларни оралиқда қабул қилиш далолатномасига ва яширин ишлар гувоҳлигини берувчи далолатномага Буюртмачи ва Пудратчи томонларидан чекиладиган имзо билан тасдиқланади.

Пудратчи кейинги ишларни бажаришга фақатгина Буюртмачининг ишларни адо этиш журналига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнггина киришади.

Агар яширин ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган ёхуд кечикиб хабардор қилинса, у ҳолда Пудратчи унинг талаби бўйича ўз ҳисобидан Буюртмачи кўрсатмасига биноан хоҳлаган яширин ишларни уз ҳисобидан очиш, сўнгга эса уни қайта тиклашга мажбурдир.

8.14. Агарда Буюртмачи томонидан ишлар сифатсиз бажарилгани аниқланса, Пудратчи ўз кучи билан ва қурилишнинг умумий қийматини купайтирмасдан, белгиланган муддатда бу ишларни тегишли сифатини таъминлаган ҳолда қайтадан бажаришга мажбур.

Агар Пудратчи қисқа (техник имконият) муддатда сифатсиз ишни тиклай олмаса, Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатсиз бажарилган ишни тегишли ҳақ тўлаш эвазига тиклаш учун бошқа шахсларни жалб этишга ҳақли. Бу ишларни бошқа шахслар томонидан тузатиш билан боғлиқ харажатлар Пудратчининг зиммасига юкланади.

8.15. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тугатган кўча ва йўлакаларни тозалаш ва озодалигини таъминлаш, майдондан қурилиш даврида Буюртмачи кўрсатган жойга қурилиш чиқиндиларини чиқариб ташлаш ишларини амалга оширади.

8.16. Пудратчи иш бошланган вақтдан бошлаб то тугагунга қадар бутун ишларнинг бориши аке эттириладиган иш юритиш журналини тутати. Шунингдек унда Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро

муносабатларида ахамиятли бўлган ишларнинг бориши билан боғлиқ барча фактлар ва ҳолатлар ўз аксини топади (ишнинг бошланиш санаси, олиб борилган синовлар, материалларни вақтида етказиб бермаслик билан боғлиқ узилишлар, қурилиш техникаларининг сафдан чиқиши, шунингдек қурилишни узил-кесил тугатиш муддатига таъсир кўрсатувчи нимаки содир бўлса, ҳаммаси ҳақида).

Агар Буюртмачи ишларни боришидан, сифатидан ёки Пудратчининг ёзувларидан кўникмаса, у ҳолда ўз мулоҳазаларини иш лоритиш журналида баён этади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Ишларни куриклаш.

9.1. Пудратчи қурилиш бошланишидан то тугагунча ва Буюртмачи томонидан қурилиш йқунланган объект қабул қилингунга қадар, агрофлари тусилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, жихозлар, қурилиш техникалари ва бошқа мулкларнинг тегишлича курикланишини таъминлайди.

9.2. Объект қабул қилингандан кейин қурилган бинолар ва иншоотлар, шунингдек материаллар, жихозлар ва бошқа мулкларнинг сақланиши учун жавобгарлик Буюртмачи зиммасига тушади.

10. Енгиб бўлмайдиган куч (форс – мажор) ҳолатлари.

10.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома (контракт) бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати енгиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат амал қилган вақтга мос равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 1 ойдан ортиқ вақтга чўзилгани бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи қурилишни давом эттириш ёки номанъум вақтга тўхтатиш (консервация) учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама этадилар ва шунингдек алоҳида ҳолатлар асосли бўлса, қўшимча шартнома тузилиб иншоотни қурилиш муддати ўзгартирилади.

10.3. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санаида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафдан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объект «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»нинг иншоотни тайёргарлиги тўғрисидаги ёзма билдиришномасини олгандан бошлаб 5 (беш) кун ичида қабул қилинади.

11.3. Пудратчи қурилиш тугалланган объект қабул қилиниши бошланишидан беш кун олдин Буюртмачига мазкур шартнома (контракт) 5-булимга асосан Буюртмачи белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини топширади. Пудратчи ҳужжатлар амалда бажарилган ишларга тўла мос эканлигини ёзма равишда Буюртмачига тасдиқлайди.

11.4. Буюртмачи объектни қабул қилган вақтдан бошлаб объект буюртмачининг мулкига айланади.

12. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- мазкур шартномада белгиланган барча ишларни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатда бажаришни;
- барча ишлар сифатини лойиха ҳужжатлари ва амалдаги меъёрларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш чоғида ва объектни кафолатли ишлатиш даврида аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишни;
- объектдан фойдаланиш чоғида муҳандислик тизими ва жихозларининг меъёрида ишлатишни;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилушига тасдиқ фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати

нуксонларнинг бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан уқуналирнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 7-булимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.3. Агар Буюртмачининг харажатлари миқдори Пудратчига тўланадиган тўлов миқдоридан ортиб кетса, Пудратчи Буюртмачининг хисобига мувофиқ, амалдаги харажатлар фарқини тўлайди.

12.4. Агар Пудратчи топилган нуксон ва камчиликларга далолатнома тузилишидан ёки унга имзо чекишдан бош тортса, Буюртмачи уларни тасдиқлаш учун камчилик ва нуксонлар, ҳамда уларнинг тавасфи бўйича тегишли далолатнома тузадиган малакали экспертларни тайинлайди. Аммо булар томонларнинг шу масала юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқларини истисно этмайди.

13. Шартномани бекор қилиш.

13.1. Буюртмачи шартномани бекор қилишни куйидаги ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланғич Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш режа-графиксига риоя этилмаганда, қурилиш-тиклаш ишларини бажаришда кетма-кет 2 мартаба режа-графикдан орқада қолганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишлар сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- Пудратчи томонидан объект учун берилган аванс маблағларини қоплайдиган даражада бир ой ичида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмаганда;
- Пудратчининг қурилиш фаолияти лицензияси бекор қилинганда, давлат органлари томонидан иш юритишдан маҳрум этувчи амалдаги қонунчилик доирасида, бошқа қонун ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда.
- Мазкур шартномада кўзда тутилган жарима санкциясини Пудратчи тўлашдан бош тортса.
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи шартномани бекор қилишни куйидаги ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Буюртмачи ва Пудратчи билан биргалликда қабул қилинган қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, тугалланмай қолган қурилиш объекти 10 кун муддатда Буюртмачига топширилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини топшириш, қабул қилиш далолатномасига асосан Пудратчи ва бажарилмаган ишлар учун тўланган тўловни Пудратчи Буюртмачига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборadi.

13.5. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартномани бекор қилиш ҳақидаги томонларнинг келишуви ушбу шартнома тузиш каби расмийлаштирилган ҳолда ва шаклда амалга оширилади.

13.7. Томонлар шартнома (контракт)ни бекор қилиш ҳақидаги огохлантириш юборилган, огохлантиришда кўрсатилган камчиликлар 15 (ўн беш) кун муддат ичида ихтиёрий бартараф этилмаса, мазкур шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинишига асос ҳисобланади. Қонунчилик ва шартномада кўзда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно.

14. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарар даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди. (Маблағ билан таъминловчи орган ўз вақтида маблағни молиялаштирмаганлиги ҳолатида Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар ҳисобланмайди).
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларини бузганлиги учун: (ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатдан ташқари).

Буюртмачи:

- Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашнинг буюртмачининг шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортигани учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортиган сўмманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

Пудратчи:

- Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги ҳамда қурилиш монтаж ишларини асоссиз равишда тўхтатиб қўйганлиги учун буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

- Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар бартараф этилмаганлиги учун пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий сўммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрларига ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.4. Буюртмачи Пудратчи томонидан кетма-кет икки ҳисобот даври давомида қурилиш-тиклаш ишларини бажариш графигидан орқада қолинганлигини аниқлаганда, қонунда ўрнатилган тартибда пеня ундириб, шартнома бекор қилинади ва объект қурилишини Пудратчидан қайтариб олади ва объект қурилиши учун бошқа пудратчи жалб қилади.

14.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

14.6. Тошкент туманлараро иқтисодий суд орқали ундирилган пеня сўммаси пудратчи ташкилот ҳисоб рақамида маблағ бўлмаган тақдирда мол-мулки ҳисобидан ундириб олинади.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларнинг ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

15. Низоларни ҳал этиш тартиби.

15.1. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

15.2. Давозимли шахс томонидан шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун жавобгарлик чораси Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддаси билан белгиланади.

15.3. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар узаро ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

16. Алоҳида шартлар.

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин томонлар ўртасидаги мазкур шартномага дахлдор олдинги барча ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, келишувлар ўз кучини йўқотади..

16.2. Пудратчи Буюртмачининг ёзма руҳсатсиз объектни ёки унинг алоҳида бир қисмини қўриш учун лойиҳа ҳужжатларини учинчи шахсга сотиш ёки ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Бундан субпудратчилар мустасно.

16.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонлар имзо чеккан бўлсалар ҳақиқий деб ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда буюртмачи пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришига ҳақлидир.

16.6. Барча электр асбоблари, ускуналар, жихозлар, кабель маҳсулотлари, насослар ва бошқа жихозларнинг сифат сертификатлари ҳамда техник паспортлари бўлиши шарт.

16.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди ва томонларга берилди.

17. Коррупцияга қарши талаблар

17.1. Шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланилган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилинишини кафолатлайди.

17.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалдаги бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корxonанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корxonанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

18. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

Буюртмачи:

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар
мактабгача таълим бўлими
Олмалиқ шаҳар Ипак йўли к-си 47-уй
Банк: Тошкент ш МБ ХККМ
ИНН: 201122919 ИНН: 207266386
ОҚОНХ: _____ МФО:00014
Х/Р: 100022860274047091100251020

Рахбар

Тургунбоев Х.М

Пудратчи:

Тошкент шаҳар Урғачирчиқ тумани
Манзил Янгиҳаёт маҳалласи Мажнунтоғ -32
хонадон
Банк: Тошкент ш "Trustbank" хусусий
акционерлик банки
ИНН: 306943111
ОҚОНХ: _____ МФО:00850
Х/Р: 20208000505182793001

Рахбар Кучқоров Ф





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MEGA ELIT UY JOY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MEGA ELIT UY JOY" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.12.2019

790752

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306943111

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:



Toshkent viloyati, O'rtachirchiq tumani, Yangixayot mahallasi Majnuntol
ko'chasi 32 uy,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, O'rtachirchiq tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)




**СТАРТОВОЙ СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА
В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ ПО ОБЪЕКТУ :**

**ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ДОУ №6, РАСПОЛОЖЕННОГО ПО АДРЕСУ: ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ АЛМАЛЫКСКИЙ
РАЙОН**

№	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	СТОИМОСТЬ (тыс. сум)
1	Затраты на оборудование, мебель и инвентарь, с учетом транспортных и заготовительно-складских расходов	0,000
2	Затраты на строительные материалы, изделия и конструкции, с учетом транспортных и заготовительно-складских расходов	157 005,853
3	Затраты на основную заработную плату с учетом начислений на социальное страхование	28 696,378
4	Затраты на эксплуатацию машин и механизмов (с учетом зарплат машинистов), перевозку грузов	1 100,838
5	Итого прямых затрат	186 803,069
6	Прочие затраты производственного характера 0%	0,000
7	Прочие затраты и расходы Подрядчика 19%	35 492,583
8	Затраты на страхование строительства объектов 0,4% с K=0,8	0,000
9	Затраты для учета коэффициента риска, определяемого исходя из прогнозируемого индекса роста цен в строительстве 0%	0,000
10	ИТОГО стоимость строительства в текущих ценах без НДС	222 295,652
	НДС 15 %	33 344,348
11	ИТОГО стоимость строительства в текущих ценах с НДС 15%	255 640,000

«MEGA ELIT UY JOY» МЧЖ рахбари



Ф.Кучкаров

**173018 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

16.11.2022 16:13

Комиссия раиси:

EGAMOV ABBOS KURVANBOYEVICH

Handwritten notes in Uzbek script, including the number 173018.

173018, 10M

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 173018 на приобретение текущего ремонт

Способ проведения электронный

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 10.11.2022 16:44

Закупочная комиссия Олмалик шаҳар мактабгача таълим булими (Распорядитель), (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	KAMOLOVA MATLYUBA USMONALIYEVNA	DvaNMTTFXO`MSHTE metodisti	komissiya a'zosi
Член комиссии	XABAYEVA POKIZA MAMADALIYEVNA	xisob-kitob bo'limi iqtisodchisi	komissiya a'zosi
Председатель комиссии	EGAMOV ABBOS KURVANBOYEVICH	Ekspluatatsiya bo'limi boshlig'i	komissiya raisi
Секретарь комиссии	JAMOLIDDINOVA ZUXRA JAMOLIDDIN QIZI	AKT	Олмалиқ шаҳар МТБ
Член комиссии	QARSHIBAYEVA SHOXISTA ZOIRQUL QIZI	Бухгалтер	Олмалиқ шаҳар МТБ
Член комиссии	YAKUBOV MIRJALOL MIRKAMILOVICH	ИЖРО	Олмалиқ шаҳар МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 173018.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Иловадиги талаблар асосида хужжатларни топширингиз сўралади. Топширилмаган хужжатлар бўйича тадбиркор танловда четлатилади
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	260 631 603.00
Стартовая сумма	260 631 603.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 1-категория

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадиги талаблар асосида хужжатларни топширингиз сўралади. Топширилмаган хужжатлар бўйича тадбиркор танловда четлатилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO MUSTAFO-QURUVCHI	40	Иловадиги талаблар асосида хужжатларни топширишингиз сўралади. Топширилмаган хужжатлар бўйича тадбиркор танловда четлатилади	20	Экспертная		
TOMCHI BIZNES	40	251640204	10	Экспертная		
ME'YOR-STANDART-SERVIS MCHJ	40	40	20	Экспертная		
MEGA ELIT UY JOY MCHJ	40	1-kategoriya bo'yicha so'ralgan ma'lumotlar	40	Экспертная		

Критерий №2 3-критерия

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадиги талаблар асосида хужжатларни топширишингиз сўралади. Топширилмаган хужжатлар бўйича тадбиркор танловда четлатилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO MUSTAFO-QURUVCHI	25	. Bajariladigan ishlar bo'yicha OFERTA	25	Экспертная		
TOMCHI BIZNES	25	251640204	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ME'YOR-STANDART-SERVIS MCHJ	25	25	25	Экспертная		
MEGA ELIT UY JOY MCHJ	25	3-kategoriya bo'yicha so'ralgan ma'lumotlar	25	Экспертная		

Критерий №3 2-категория

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадиги талаблар асосида хужжатларни топширишингиз сўралади. Топширилмаган хужжатлар бўйича тадбиркор танловда четлатилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO MUSTAFO-QURUVCHI	15	Иловадиги талаблар асосида хужжатларни топширишингиз сўралади. Топширилмаган хужжатлар бўйича тадбиркор танловда четлатилади	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TOMCHI BIZNES	15	251640204	5	Экспертная		
ME'YOR-STANDART-SERVIS MCHJ	15	15	15	Экспертная		
MEGA ELIT UY JOY MCHJ	15	2-kategoriya bo'yicha so'ralgan ma'lumotlar	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MEGA ELIT UY JOY MCHJ	260 631 603.00	255 640 000.00 UZS	255 640 000.00	00.00	255 640 000.00	04.11.2022 19:00:29	19.3764
OOO MUSTAFO-QURUVCHI	260 631 603.00	247 760 023.00 UZS	247 760 023.00	00.00	247 760 023.00	02.11.2022 14:59:28	19.99267
ME'YOR-STANDART-SERVIS MCHJ	260 631 603.00	247 669 170.00 UZS	247 669 170.00	00.00	247 669 170.00	04.11.2022 18:15:39	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TOMCHI BIZNES	Не прошел	Не прошел	Не прошел
MEGA ELIT UY JOY MCHJ	80	19.3764	99.3764
OOO MUSTAFO-QURUVCHI	60	19.99267	79.99267
ME'YOR-STANDART-SERVIS MCHJ	60	20	80

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 173018 от 10.11.2022 года на приобретение текущий ремонт определила победителем:

MEGA ELIT UY JOY MCHJ
306943111

и резервный исполнитель: ME'YOR-STANDART-SERVIS MCHJ (301758788)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	EGAMOV ABBOS KURVANBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	QARSHIBAYEVA SHOXISTA ZOIRQUL QIZI	Согласен	
Член комиссии	KAMOLOVA MATLYUBA USMONALIYEVNA	Согласен	
Член комиссии	XABAYEVA POKIZA MAMADALIYEVNA	Согласен	

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИ МУДИРИ

Тургунбоев Х

16 11 2022 – йил

Олмалиқ шаҳар Мактабгача таълим бўлими танлов комиссиясининг

71 сонли йиғилиши

БАЁННОМАСИ

Йиғилиш раиси

А.Эгамов

Комиссия раиси

Иштирок этдилар

комиссия аъзолари

таъминотчи ташкилот

вакиллари

КУН ТАРТИБИДА:

Олмалиқ шаҳар Мактабгача Таълим бўлимига карашли 6-сонли мактабгача таълим ташкилоти учун жорий тамирлаш мақсадида тамирлаб берувчи ташкилотни танлаш тўғрисида

(Эгамов А, М. Якубов, Ш. Қаршибоева, П.Хабаева, М.Камолова)

Эшитилди: Кун тартибидаги масала юзасидан Комиссия раиси Эгамов А ва сўзга чикиб, Олмалиқ шаҳар Мактабгача таълим бўлимига карашли мактабгача таълим ташкилотини сифатли жорий тамирлаб бериш учун 2022 йил 10 ноябрдаги 173018 лот рақамли давлат махсус порталига элон жойлаштирилган ушбу лот 173018 лот орқали “Мега Элит Уй Жой” МЧЖ “Меер Стандарт Сервиз” МЧЖ “Томчи Бизнес” МЧЖ “Мустафо Курилиш” МЧЖ корхоналари уз таклифларини билдириб иштирок этишди. Элон

Муддати 2022 йил 16 ноябр да якунланиб тузилган камисия азолари томонидан "Мега Элит Уй Жой" МЧЖ корхонасининг берилган талабларимизга мос равишда эканлиги куриб чикилиб ва шу корхонага овоз берилиб голиб деб элон килинди. Голиб аниклангандан сунг 2 кун муддат ичида мухокамада турганда бошка корхоналардан хеч кандай эътирозлар билдирилмади

Юкоридагиларни хисобга олган холда танлов камисияси томонидан 6-сонл МТТ биносини жорий тамирлаш максадида "Мега Элит Уй Жой" МЧЖ билан шартнома тузишга карор килинди.

Йигилиш котиби

1. А.Эгамов
2. Ш. Каршибоева
3. П.Хабаева
4. Камолова М
5. М.Якубов

З.Жамолиддинова



танлов камисия раиси

камисия аъзоси

камисия аъзоси

камисия аъзоси

камисия аъзоси



от несе